


ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 31 август № 33 (8475)

Туман ҳокимининг табриги

ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК!

Ассалому алайкум, азиз ҳамқишлоқлар!

Сизларни, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 32 йиллиги байрами билан чин қалбимдан, самимий муборакбод этаман!

Сизларга маълумки, бу йилги байрамни бутун Ўзбекистон халқи, биз, қўштепалликлар ҳам муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуси билан “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун” деган эзгу ғоя руҳида, кўтаринки кайфиятда, шукроналик билан кутиб олмоқдамиз. Бу шукроналик замирида не-не аждодларимиз орзу қилиб эришолмаган ХУРЛИК ва ОЗОД-ЛИКнинг нақадар улғуф неъмат эканлиги, шу муқаддас Ватанда ўтаётган тинч-осуда ҳаётимиз, йилдан-йилга фаровонлашиб бораётган турмушимизнинг қадрига етиш, дориламон кунларга йўл очган Мустақиллигимизни асраб-авайлашдек олижаноб мақсад ётганини ҳаммамиз юракдан ҳис қилиб турибмиз.

Шу қўтлуғ онларда бутун ҳаётини озодлик учун курашга бағишлаган, бу йўлда жон фидо қилган мард ва жасур ота-боларимиз, фидойи юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирмоқ улар руҳи олдидаги фарзу қарзимиздир.

Мустақиллик шарофати билан ҳуқуқини таниб, эркини ўз қўлига олган халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларни енгиб, мустаҳкам иродаси, қатъияти ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоян эта олди. Бугун ўттиз икки ёшли навқирон Ўзбекистонимиз жаҳон айвонида ўз мавқе ва эътиборига эга бўлган экан, бунда, ҳар бир юртдошимизнинг, Сизу бизларнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Қадрдонлар!
Президентимиз раҳнамолигида ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун курашилаётган мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш устувор вазифа ҳисобланаётгани туманимиз мисолида ҳам намоян бўлиб турибди.

Кўриб турганингиздай, кейинги тўрт-беш йил ичида Қўштепанинг иқтисодий салоҳияти кескин ошиб, туман ижтимоий тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Яқин-яқинларгача ҳам иқтисодий заиф, ўзини ўзи моддий таъминлай олмайдиغان

туман бугун иқтисодий бақувват ҳудудлар қаторига кўтарилдики, бу, албатта туманда саноатнинг ривожланаётгани, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, тадбиркорлик ҳаракати, сервис хизмати, инфратузилма кун-ба-кун тараққий этиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, барча жабҳаларда ривожланиш механизмини ҳаракатга келтираётган ҳазрати инсонларнинг салоҳияти ўсиб бораётганидандир.

Иқтисодий тараққиёт қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораётганини кўриб турибмиз. Эртамининг эгалари бўлган болажонларимиз таълим-тарбия олаётган мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар шаҳарлардагидан қолишмайди, қайсидир муассасалар улардан ҳам кўркемроқдир. Давлат дастурлари, очиқ бюджет маблағлари, тадбиркорларнинг, туман аҳолининг саъй-ҳаракатлари билан қад ростлаётган, замонавий қиёфа кашф этаётган бундай муассасалар, текис, раван йўллар, қишлоқларнинг бечаларини нурафшон этаётган электр нуллари, ичимлик суви тармоқлари, кўркем уй-жойлар, обод кўча ва маҳаллалар, барча-барчаси сизу биздек бунёдкор инсонлар манфаатига хизмат қилмоқда. Қисқа даврда бундай тараққиётга эришмоқ осон эмас. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз, ҳукуматимиз ғамхўрлиги, Сиздек ҳазрати инсонларнинг яратувчи, фидойи меҳнатингиз самарасидир.

Азиз юртдошлар!
Эришилаётган барча улғувор ишларимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик туфайлидир. Тинчлик барқарор экан, биз эртанги кунга ёруғ умидлар билан қараймиз, юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиламиз. Ҳар кунимиз мазмунли кечади, тўйлар-тўйларга уланади.

Она Ватанимиздан тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, файзу барақа аримасин. Мустақиллик кўеши Ватанимиз узра абадий порлайверсин! Бутун халқимиз, қўштепалликларнинг ҳам қўлга киритаётган ютуқлари бардавом бўлсин. Яна бир бор мустақиллик байрамингиз муборак, азизлар!

Илёсбек НОВИКОВ



МУРОДБАХШ КҮН ШОДИЁНАСИ

Қуёш уфққа аста бош қўйиб, озод юртнинг яна бир кун тарих саҳифаларига иниб бораётган пайтда янграган шодиёна садолари қўштепаллик каттаю кичикни байрам шодиёнаси ўтадиган марказга чорлади. Кўнгилларни ажиб оҳанрабои ила ром этган бу хуш насимлар энг улғуф, энг азиз байрам—Мустақиллик айёмининг овозаси эди. Сўлим гўша узра қанот қоққан жўшқин садолар юракларга баралла кириб, акс-садоси шукронага эврилар бўлди. Зотан, хурлик ҳар дилнинг олий орзуси, ҳар элнинг асил муродидир. Не бахтки, Ўзбекистон аталмиш бизнинг дийрда 32 йилдан буён халқ ушбу буюк неъматдан баҳраманд бўлиб, порлоқ истиқбол сари эркин

қадам ташлаб илдамламоқда.

Туманимизда “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида кенг нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган байрам тадбири ана шундай кўтаринкилик билан бошланди. Турфа гуллар, рангин шар ва байроқчалар билан безатилган кенг саҳнанинг тўрига улғувор широр эзилган: “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”. Дарҳақиқат, бугунги тантанани, одамларнинг юз-кўзида балқиб турган мамнуният, болажонларнинг шодонлиги ушбу широрларнинг ҳаётдаги инъикосидир.

Халқ сайлига монанд шодиёнада қўштепаллик хунарманд ва тадбиркорларнинг маҳсулот-

лари, таълим муассасаларининг қўл меҳнатлари намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилиб, шодиёна қатнашчиларининг эътибор ва эътирофларига сазовор бўлди. “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!”, “Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида”, “Биз, ёшлар Ватан учун содиқ бўлайлик!”, “Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлақати” каби широрлар сайлига янада юксак руҳ бағишлаб турибди.

Сўз туман ҳокими Илёсбек Новиковга берилди. У шодиёна аҳли, улар орқали бутун қўштепалликларни энг улғуф байрам билан қизғин муборакбод этади. Ҳоким аждодларимизнинг ҳуррият йўлидаги мардонавор курашлари, мустақиллик шарофати билан юртимиз, туманимизда рўй берган ижобий ўзгаришлар, жонажон ватанимизнинг тараққиёт йўлидаги дадил одимлари ва пировардида халқ турмуш тарзининг юксалганлиги, фаровонлик манзаралари ҳақида сўз юритди. Барчани мустақиллигимизни асраб-авайлаш, мамлакатни ривожлантириш йўлида фидо-корона меҳнатга чорлади.

Давоми 2-бетда



Istiqlol mushoirasi

Sanchiladi tovonimga qo'shtikanlar,
Axir o'zim tikan bosgan yo'ldan yurdim.
G'am ko'rmagan baxt ismli shaharchadan,
Baxtchechaklar terib kelay senga, yurtim.

Meni kechir, oftob yegan bu yelkangdan,
Ketmoningni olmoqqa hech yetmas kuchim.
Rozimisan, ezgulikning bayrog'ini
Yelkadamas, ko'kda tutsam sening uchun.

Shoir bo'lgum seni alqash uchun emas,
Xushomadgo'y misralardan siquvdaman.

QADAM

Vatan, seni balandparvoz gap-so'zlardan
Kasal bo'lib qolishdandan qo'rquvdaman.

Sen chorlagin bog'laringga ketayotib,
Daryolarni eltib beray sug'organi.
Bugun shaxdam qadam tashlab borar qizing,
Tovoningdan tikanlarni sug'urgani!

Nilufar ERGASHEVA,
Zulfiya nomidagi davlat mukofoti
sovrindori,
O'zbekiston Milliy universiteti talabasi.

УШБУ
СОНДА:

2 * Дунё иморатлари ичида
* Ўзимизни ўзимиздан
айро қилиб бўлмас

3 * Тадбиркорнинг
«Шухрат»ли йўли
* Истиқлол мушоираси

4 Маънавият
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Паҳлавон Маҳмуд

1991

Истиқлол байрами
тантаналаридаМУРОДБАХШ КҮН
ШОДИЁНАСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини жўровоз бўлиб куйлайдилар. Ватан мадҳи дилларга янада хушнудлик ва ифтихор бахш этиб, барчани тулқинлантирди, қалбларда бугунги дориламон кунларга шукрона ҳисси жуш урди.

Самимий табрикдан сўнг концерт дастури бошланди. Эл суйган хонандалардан Ўзбекистон халқ ҳофиз Илҳом Иброҳимов, Нуриддин Асқаров, Отабек Муҳаммадзоҳид, Баҳодир Мамажонов, Иззатбек Қўқонов, Қодиржон Аҳмедов, "Тоҳир ва Зухра" гуруҳи, Шоира Назаровалар юртга садоқат ва ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат мавзусидаги қўшиқлари билан байрам иштирокчиларини хушнуд



этдилар. Шунингдек, туманининг "Кабутар" халқ ансамбли хонандаларининг чиқишлари, мактаб ўқувчилари ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари тайёрлаган сахна кўринишлари барчага бирдек манзур бўлди. Бадий композицияларда миллатимизнинг кечая бугунги кунга, мустақиллик берган имкониятлар, ёш авлоднинг орзу-интилишлари ҳамда ёруғ келажакка ишончи акс этиб, тадбирнинг мазмун-моҳиятига ҳамроҳанг тарзда давом этди. Кўнгли юксалган кексаю ёш жозибатор куй-қўшиқларга рақс тушиб, истиқлол байрамини шод-хуррамлик билан нишонладилар. Меҳнаткаш халқимиз эътибордан куч олиб, янги марралар сари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишга сафарбар бўлди десак, муболага эмас. Зеро азал-азалдан миллатимиз бирлашиб зафарлар кучган, машаққатларни енгган, иймон-этиқодини асраган. Бугунги осуда ва обод ҳаётимиз ҳам шубҳасиз шу халқнинг метин иродаси, ҳалол меҳнатининг меvasидир. Шундай экан, катта йўлга чиққан катта карвон—Янги Ўзбекистонимизнинг эртанги кунга ҳам нурафшон бўлмай.

Умида
ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Бахтиёржон
РЎЗИОХУНОВ.
Суратларда байрам шодиёналаридан лавҳалар акс эттирилган.



Бундан ташқари мактабимиз фаолиятида ҳам кўриб турибмиз. О'tган йил ноябр ойида о'tказилган фан олимпиадасининг вилоят босқичида 9-синф о'қувчиларимиз математика фанидан фаври биринчи ва иккинчи о'ринларни egallashди ва Respublika босқичига chiqib, xalqaro matematika terma jamoasi a'zosi g'a aylanishди. Dekabrda o'tkazilgan Al-Xorazmiy nomi bilan bog'liq fan olimpiadasida 8-синф о'қувчилари viloyat босқичида matematika, kimyo va biologiya fanlaridan favlri birinchi o'rinni egallab, Respublika босқичига yo'llanmani qo'lga kiritishди. Huddi shu oyda o'quvchilarimiz Amerikaning «Flex» loyihasida final босқичига yo'llanmani qo'lga kiritib, Amerikada bir yil o'qish imkoniyatiga ega bo'lishди. Uch nafar o'quvchimiz xalqaro IELTS sertifikatini qo'lga kiritgani ustozlarning mashaqqati mehnati natijasidir.

Jamoamizning bunday yutuqlari haqida yana gapirish mumkin. Shu yilning fevral oyida o'rt nafar 11 - sinf o'quvchilarimizning har biri Amerikaning Wingate universitetiga 27000 dollarlik, PDP universiteti tomonidan o'tkazilgan matematika olimpiadasida birinchi va ikkinchi босқичlarda g'olib bo'lib, 24 million so'mlik grant sohibiga aylanishди. Ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalari agentligi tizimidagi maktablar o'rtasida STEAM olimpiadasi viloyat босқичида ham o'quvchilarimiz matematika, kimyo fanlaridan yuqori natijalarga erishdilar. Maktabimiz Janubiy Koreyaning Gwanjou ayollar universiteti bilan hamkorlik memorandumini imzoladi. Bundan qizlarimizning dunyoning eng il'or sohalarida ishlashga tayyorlash maqsadi ko'zlangan. Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda Yaponiya xalqaro hamkorlik agentligi Jisaniy O'zbekistondagi vakolatxonasi o'rtasida imzolangan

Бир юз ўн бир ватандош алломаларимизнинг "Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар" и жамланган китобнинг "Ватан—муқаддас" бобидаги фикрларни ўқир эканман, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг қуйидаги сатрлари руҳиятимга ўрнашиб қолди: "Ҳаёт бизни ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташлади. Жазирама саҳроларда сарсон-саргардон кездик. Ер ости конларида тирноқ билан маъдан кўчиришга мажбур қилишди. Туғилган остонамиздан олисларга ирғитиб ташлашди. Жондан севган қаламимизни қарсиллатиб синдиришди. Лекин иродаимизни синдирилмадилар. Кўксимиздан иймонимизни, қон-қонимизга сингиб кетган Ўзбекистон меҳрини юлиб ололмадилар".

Бу сатрларда такрорланмас ёзувчининг тоталитар тузум исканжасида озодликдан маҳрум этилган куч-қувватга тўлган пайтларидеги кечинмалари, азобу укубатлари ва албатта жисму жонига пайванд бўлган Ватан меҳри акс этиб турибди.

Ватан меҳри. Ёруғ дунёнинг онгли мавжудоди бўлмиш инсон жисму жонига она сути билан синган бу меҳрни ҳеч ким, ҳеч нарса юлиб ололмаглиги ҳақиқат. Зеро, у Аллоҳнинг иродаси билан бизни дунёга келтирган ота-онамиз, ризқ улашган табаррук тупроғимиз, муқаддас гўша ҳисобланмиш оила

Sifatli ta'lim: sarhisob

Keyingi yillarda «Yangi O'zbekiston maktab ostonasidan boshlanadi», degan ezgu g'oya asosida bu sohada katta ishlar amalga oshirildi. O'tgan qisqa davrda yuzlab zamonaviy maktablar barpo etildi. Ilgari tajribamizda bo'lmagan Prezident, ijod maktablari hayotimizga kirib keldi, ixtisoslashtirilgan maktablar tarmog'i kengaytirildi. Yangi darsliklar va o'quv qo'llanmalari yaratildi.

Mamlakatimiz rahbari ta'limga berayotgan katta e'tibori samarasini beryapti, desak mubolag'a emas. Xususan, tumanimizda ixtisoslashgan maktab o'z faoliyatini boshlaganiga hali bir yil bo'lmay turib, muayyan yutuqlarga erishildi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev «Eng muhimi, maktablarimizda yangicha ruh, mazmun va muhit paydo bo'ldi. Bunda, hech shubhasiz, bolalar qalbining me'mori, muhandisi bo'lgan hurmatli o'qituvchi va murabbiylar uchun erkin ishlash imkoniyatini yaratib berganimiz muhim ahamiyatga ega bo'ldi» deganlari haq edi.

DUNYO IMORATLARI ICHIDA

eng ulug' maktab bo'lishi samarali mehnatimizga bog'liq

kelishuvga ko'ra, Yaponiyada yagona davlat imtihonlarini amalga oshiruvchi «Kei Advanced» tashkiloti 11 aprel kuni xalqaro tadqiqot bo'yicha JISA loyihasi ishchi guruhi a'zolari tomonidan o'tkazilgan imtihonda besh nafar pedagog xodimlar hamda 8-10-sinf o'quvchilarimizning matematika fanidan bilimlari sinovdan o'tkazilib 39 nafari oltin, kumush, bronza medallar sohibiga va sertifikatlariga ega bo'ldilar. Maktabimizda o'quvchilar zamonaviy ilm olishlari uchun barcha sharoitlar yaratib berildi. Bunga javoban 22 nafar bitiruvchilarimizning barchasi Singapurning Amity universitetiga, O'zbekiston xalqaro Islom akademiyasi, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Farg'ona davlat universiteti, Toshkent axborot texnologiyalari universiteti, Farg'ona politexnika insituti, Namangan davlat universitetining talabasi g'a aylanishди. Maktabimiz o'quvchilarining bunday yuqori natija ko'rsatishida jamoamizning barcha oliy toifali hamda malakali ustozlari, jumladan, matematika fani o'qituvchilari Rahmonali Nazirov, Salohiddin O'ktamov, ona tili o'qituvchisi Kimyoxon Olimova, ingliz tili o'qituvchisi Gulshanoy Sultonova, Gulchehra Saidzimova, fizika fani o'qituvchisi Dilmurod Sobirovlarning xizmatlari beqiyos. Jamoamiz yangi o'quv yilini ko'tarinkilikda boshlamog'ga. Kuni - kecha Prezidentimiz raisligida maktablarda ta'lim sifatini oshirish, o'quvchi o'rmini ko'paytirish va o'qituvchilarni qo'llab-quvvatlashga

qaratilgan ustuvor vazifalar yuzasidan o'tkazilgan videoselektor yig'ilishida belgilangan ustuvor vazifalarga ko'ra, respublika bo'yicha 500 ta maktabda Prezident va ixtisoslashgan maktablar o'quv dasturi, baholash tizimi joriy etiladi. Bunda ixtisoslashgan maktablar ularga tayanch bo'lishi kerakligi haqidagi topshiriqqa asosan hamda Maktabgacha va maktab ta'limi vazirining buyrug'i bilan biz tumandagi 6-umumta'lim maktabi bilan hamkorlikda «yangi baholash tizimi» mavzusida seminar-trening o'tkazdik. Tadbirda pedagog xodimlarimiz baholashning yangi tizimi haqida maktab pedagog xodimlariga atroflicha ma'lumot berdilar va doimiy hamkorlikka kelishib olindi.

Ahli jamoamiz yangi o'quv yilida bundanda yuksakroq marralarni ko'zlamog'ga. Eng avvalo yoshlarimizni Vatanimiz va xalqimizga sadoqatli, ilmi va salohiyatli, har sohada izlanuvchan etib tayyorlashni maqsad qilib oldi. Zero, yangi O'zbekiston kelajagi yoshlarimiz qo'lida! Imkoniyatdan foydalanib, ta'limning barcha fidoiyalarini Mustaqilligimizning 32 yilligi va bilimlar kuni bayramlari bilan chin qalbidan tabriklayman. Oilaviy xotirjamlik, farzandlarimizni salohiyatli qilib tarbiyalashdek mashaqqatli va sharafli ishlarida ulkan za'farlar tilyaman. Maktab dunyo imoratlari orasida eng ulug' bo'lishi yo'lida izlanayotganlar safida ekanimizdan faxrlansak, arziydi.

Dilshodaxon G'OIYOVA,
Ixtisoslashtirilgan ta'lim
muassasalari agentligi maktabi
direktori.

кўрғонимиз, жон-жигарларимиз, остона хатлаб чиққан маҳалламиз, илм-маърифат сари етаклаган мактаб-у устозларимиз, бир сўз билан айтганда, сиз, мең, барчамиз, бизнинг ўзимиздир. Узимизни ўзимиздан айро қилиб бўларканми?!

Ўзимизни ўзимиздан айро қилиш учун деярли бир ярим аср уриндилар. Тилимиздан, динимиздан, иймонимиздан, аслиятимиз-у қадриятларимиздан айирмоқчи

ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗДАН

бўлдилар. Буюқларимиз мангу манзиллари харобаларга айлантирилди. Муслмонлар оёғи остидан жойнамозлар юлқаб олинди. Аввал ҳам ёзганимдай, коммунист амалдорлар ўз отасининг жанозасида туришига ҳам изн берилмади. Маърифат масканларимиз ўз буюқларимиз қолиб "оға"ларимизнинг машхурлари номлари билан аталишига чунонам кўникиб кетдикки...

Қарамлик ортидан бутун бошли мамлакат гугурт чўпи ишлаб чиқаришга қодир бўлмаганини эслашнинг ўзи аянчли. "Мустақиллик қон тўқилмай қўлга киритилди, дегувчилар хато қилдилар, — деб ёзади Саид Аҳмад.—Ахир шу мустақиллик учун юз қирқ йилдан буён асл фарзандларимизнинг қони тўқилди-ку. Мустақиллик қонлар эвазига,

жонлар эвазига келди". Ҳақиқатан ҳам биз бугун ўттиз икки ёшини нишонлаётган Истиқлолимиз халқни "бўйин эгма, кишан кийма, ки сен озод туғилғонсен" дея осилган, отилган элнинг мард ўғлонлари қони, жони, яқин ўтмишда ҳам таҳқирланган, озодликдан маҳрум этилганлар азоблари эвазига қўлга киритилди-ку!

Истиқлолимиз босиб ўтган йиллар қатида халқимизнинг асрларга

Публицистик

саодат маскани-Ўзбекистоним! 2023



Мукофотланганлар

ТАДБИРКОРНИНГ

“ШУХРАТ”ЛИ ЙЎЛИ

Мустақиллик шодиёнаси юртимизнинг шаҳару қишлоқлари, энг чекка гўшаларига қанот ёйиб, эл кўнглини юксалтиргани, дилларни шуқуҳга тўлдиргани айна ҳақиқат. Истиқлол тантанаси, ҳар йилдагидек, Ватан тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган ва юрт ривожига муносиб ҳисса қўшган замондошларимизнинг тақдирланиши билан янада кўтаринки руҳ улашмоқда. Меҳнат жабҳаси фидойиларининг давлат мукофотларига сазовор бўлишлари “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” широнинг амалдаги ифодаси сифатида халқимизни шижоатлантириши, замондошларимизнинг Ватанга садоқатини орттириши тайиндир.

“Солижонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган “Водий насли кўёнлари” агрофирмаси жойлашган икки гектарлик ер майдони қаровсиз, ташландиқ жой эди. 2016 йилда кўёнчилик соҳасида ишбилармонлик фаолиятини бошлашга аҳд қилган Нуриддинжон Иминов энг шимариб шу майдонни обод қилишга киришди. Кўённинг тез кўпайиши, гўштининг шифобахшлиги (афсуски, буни кўпчилик билавермайди), айна даврда харидоргир маҳсулотлар сирасига кириши буларнинг ҳаммаси ҳозирча яхши ният, ёруғ орзу эди. Бунгача ҳали катта меҳнат, режали чоралар лозим эканлигини яхши билган тадбиркор давлатимиз томонидан тақдим этилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиб, бу қийинчиликларни енгиб ўтишига ишонди.

Кўёнчиликда насл масаласига алоҳида ёндашув зарур. Тадбиркор фарангларнинг “хикол” зотини тан-

лади ва адашмади. Ҳозирда кўёнлар сони 10 минг бошга етказилиб, ойига беш-олти тонна миқдорида гўшт етиштиришга эришилмоқда. Икки сменали иш ташкилланган агрофирмада 10 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади, уларга икки маҳал иссиқ овқат ҳамда транспорт хизмати тақдим этилган. Ойлик маошлари ҳам бугунги давр талабларига мос равишда уч миллион сўмгача белгиланган.

... Дастлабки йилларда машаққатлар бўлди, албатта: бозордан келтирилган ем оғирлик қилиб, кўёнлар нобуд бўла бошлади. Зеро бу жониворларнинг ҳазм қилиш тизими ўзига хос, қаттиқ озукани ўзлаштиролмади. Йўқотишлар тадбиркорни чўчитмади, қайтанга қатъиятини оширди—ем тайёрлайдиган усқунани сотиб олиб, озукани ўзлари ҳозирлайдиган бўлишди. Шу тариқа талафотнинг олдини олдилар, кўёнлар яхши ривожланиб, кўпайиб борди.

Мана, орадан етти йил ўтиб, агрофирма нафақат туманимиз ҳамда вилоятда, балки мамлакатда танилди, илғор тажриба сифатида тилга тушди. Машаққатли меҳнат тотли мевасини берди. Эл дастурхонини бойитиш, аҳолига парҳез гўшт етказиб беришда кўрсатган хизматлари тўғрисида Нуриддинжон Иминов давлат мукофоти соҳиблари қаторидан ўрин олди! Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида унинг кўксига “Шуҳрат” медали тақилди. Бугун тадбиркорнинг режалари ҳам баланд, истиқболли, эл-юртга манфаатли.

— Октябр ойдан гўшт етказиш миқдорини ойига 10 тоннага, келгусида эса кунига бир тоннага етказишни кўзлаб турибмиз, — дейди Нуриддинжон Иминов. — Бу режаларни амалга ошириш учун озук майдонини 13 гектарга етказишимиз керак. Шунда иш ўринлари сони ҳам 30 тадан ошириш мумкин бўлади.

Парҳез таом ҳисобланган кўён гўшти иммунитетни кучайтиради, ошқозон фаолиятини яхшилади, қанд ҳамда жигар церрози каби касалликларни ва қон босими кўтарилишини даволашда ёрдам беради. Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам жуда фойдали. Шу ўринда, интилувчан тадбиркор йўлга қўйган ишларни халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлидаги матонатли меҳнат деб баҳоласак, тўғри бўлади. Бу эса мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имкониятлар натижасидир. Ишонамизки, Нуриддинжон имтиёзлардан оқилона фойдаланган ҳолда ўз олдига қўйган эзгу режаларини албатта уддалайди.

Адҳамжон МЎСАЕВ

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ

Суратда: тадбиркор (ўртада) тажрибали ветеринар Ёқубжон Ғозиев, илғор кўён боқувчи Сайёраҳон Бадаловалар билан.

ўтмишда ҳам иқтисодий-ижтимоий салоҳияти паст ҳудудлар қаторидаги Қўштепа бугун саноати, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ҳаракати, қурилиш ва сервис хизматлари, ўзини ўзи иш билан банд этиш даражаси тобора ривожланаётган ҳудудлар қаторига қўшилди. Бу, қишлоқлар инфратузилмасида, ижтимоий соҳалар қиёфасида, одамларнинг дунёқарашлари,

Янги Ўзбекистон парвозига мадад бўлгучилар бисёр ва шунинг учун ҳам Учинчи Уйғониш даври сари қадамлар шаҳдам, марралар баланд. Шундай замондошларимиз туманимизда ҳам ҳар жабҳада, ҳар жамоада истаганча топилади. Акс ҳолда, Қўштепа бугунги маррага эришмаган бўларди.

Аммо жамиятимизда ҳукм сураётган айрим салбий ҳолатлар

кўриш учун ютуғини гупиллаб уриб турган юрагига кулоқ тутиб англаш ва ғурурланиш, дардини унинг вужудида яшаб, ҳис қилиш ва даво топиш афзалдир” дегим келади.

Яна бир гап: оилавий ажримлар ортидан ўз зурриётини ўқсиклик гирдобига отаётган оталар, оналар, оилаларни пароканда қилаётган учинчи шахслар шу жамиятнинг дарди. Бир оиланинг беҳаловатлиги ортидан қанча асаблар емирилиб, қанча моддий зарарлар кўрилади! Ахир оиласида тинчи, ҳаловати бор одамнинггина ишида унум, ҳаётида мазмун бўлади-да.

Биз шу азиз Ватан ҳурлиги учун хатто ширин жондан кечган аждодлар авлодларимиз, қандай улғувор мақсадларни кўзлаяпмиз?! Аждодлар руҳини шод айлаш, олий мақсадлар йўлини нурафшон этиш, ҳар бир ватандошимиз ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш, Юртбошимиз орзу қилган Учинчи Уйғониш даврининг мухташам қасрини барпо қилиш Сизу биздан янада фидойироқ бўлишни, жамият дардига малҳам қўйиш чорасини излашни талаб қилмоқда. Ана шундагина ҳеч қандай куч ўзимизни ўзимиздан айро этолмайди, янги ҳаёт, Янги Ўзбекистон учун ҳаракат илдамлаб бораверади.

Ҳадичаҳон КАРИМОВА, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

мулоҳазалар

АЙРО ҚИЛИБ БЎЛМАС

турмуш тарзида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Айниқса, юрт келажагининг ишончли кафолати бўлган таълим тизимидаги ислохотлар кўнглиларга ёруғ умидларни жо айлайди. Биргина мисол: битирувчилар орасида хорижнинг энг нуфузли олий таълим даргоҳларига муддатидан аввал талаба бўлганлар шу ислохотлар меваси эмасми?! Агентлик мактаби ва 2-ИДУМИ битирувчиларининг барчаси талаба бўлганлиги-чи?!

Ватан—ризқ берувчи тупроқ, сиз, мен, барчамиз экан, Янги Ўзбекистон тараққиёти учун нима қилиб бера оляпмиз? Унинг парвозига руҳан ҳам, жисман ҳам мадад бўлояпмизми? Дардига малҳам қўя билияпмизми?

озод ва ҳур Ўзбекистоннинг нуфузига соя ташлаб, шашту шижоатига баъзан панд бераётгани ҳам бор гап. Бу салбий жиҳатлар коррупцион ҳолатлар камаймаётганида, қонунлар ҳар доим ҳам мукамал ишламаётганида, “кун ўтсин”га ишлайдиганлар камаймаётганида кўринади. Ва афсусларким, бу салбий жиҳатлар олисда туриб Ватанимиздаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳолатларни ижтимоий тармоқларда ўз йўсинида таҳлил қилаётганларнинг тегирмонига сув қуймоқда.

Шу ўринда аввал ёзганимдай, энг мушкул пайтда Ватанимиз тарк этиб, олисдан туриб унинг кечаги кунни, бугунни, эртасини таҳлил қилувчиларга “Ватанимиз танламайдилар, азизим, унинг порлоқ эртасини

Истиқлол мушоираси

САОДАТ МАСКАНИ

Минглаб ўлкаларнинг қудрати чексиз, Кўзни қувнатгувчи таровати бор. Кўнглимга ўламан ҳеч бири Сендек, Саодат маскани жаннатий диёр!

Поёни кўринмас бу олам аро, Топилмайди меҳри меҳрингга ўхшаш. Сендан кечиб кетмоқ юрагимга қасд, Тупроғинг ҳар гарди жонимга туташ.

Иймони мустаҳкам, саховатли эл, Қуёш каби қайноқ меҳрлари бор. Сендек жаннат юртга ризқимни тўққан, Яратганга чексиз шукрларим бор.

Тоғни талқон қилмас гарчи билагим, Аммо даркор бўлса, фидодир жоним. Сен—қудрат манбаи, бахтлилар юрти, Саодат маскани—Ўзбекистоним!

Фарида ЮНУСОВА,

1-касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси.

ВАТАН

Қувонч-ла боқаман бахтингга, Кипригим остида севинч ёш. Тўқилсам кафтингга тўқилай, Бош урсам, пойингга урай бош.

Рухимда истиқлол шуқуҳи, Кун-туним ўтмоқда нурафшон. Буюксан бағрингга буюклар, Қозонган Сен ила буюк ном.

Ҳайрат-ла бўй чўздим самога, Қуёшга етгудай қўлларим. Номингни муҳрлаб дилимда, Иқболга элтади йўлларим.

Остонам онаминг излари, Оразинг офтобдан қайноқдир. Бахт унар тупроғинг сеҳрида, Сенсизлик мен учун қийноқдир. Ватан!

Ўғилой КАРИМОВА, «Лойсон» маҳалла фуқаролар йиғини.

ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ

Истиқлол қалбимни яшнатар бугун, Порлоқ келажакка ташлайман қадам. Қўлимда Темурий бобом байроғи, Менга мозийлардан сўйлайди ҳар дам.

Озодлик шуқуҳи кезар дилларда, Оламга бахт берган шлоҳий зиё. Қутиб олгин чақмоқ юлдузларингни Беғубор софликни ўргатиб, дунё!

Истиқлол боғларин нишонлари Тупроғингда унган ҳар ниҳол, япроқ. Қайноқ ҳисларимни бахш этиб, Ватан, Мен сени севолдим ўзимдан кўпроқ.

Янги Ўзбекистон кундан-кун обод, Тинчлик боғларининг ҳар ери чаман. Музаффар байроғинг бағримга босиб, Сени юрагимда асрайман, Ватан!

Шоираҳон ОМОНОВА, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг ўқувчиси. «Лангар» МФИ.

ХУР ЎЗБЕКИСТОН

Кўз олдимда намоён дунё Ўсалямиз эркин, фаровон. Қилаямиз шуқурлар минг бор, Борлигинга, хур Ўзбекистон.

Ғурурим ҳам ифтихоримсан, Сени десам кўксимда титроқ. Дунёларга таралгай номинг, Буюк зотлар яшаган тупроқ.

Бошингга не тушса, шайман мен, Ҳизматингга боғлағай ман бел. Ўхшаши йўқ, соддадил, доно, Меҳнатсевар, саховатли эл.

Аълолардан аъло ҳар зарранг, Еру кўкда жаннатий ифбор. Юрагимда исминг ёзилган Ўзбекистон аталмиш диёр!

Моҳларой ТЎЛҚИНОВА, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабининг 7-синф ўқувчиси. «Лангар» МФИ.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларидан



Қарздан сақланганлар, чунки у кечаси ғам, кундузи эса хўрликдир.
Байҳақий ривояти.

Имон қалб билан таниб, тил ила айтиб, рукнларга амал қилиш биландир.
Табароний ривояти.

Гумондан йироқ бўлинглар. Чунки гумон сўзларнинг энг ёмонидир. Жосуслик, ҳийла, кўра олмаслик, ҳасад, ғазаб ва душманлик қилманлар. Эй Аллоҳнинг бандалари, ўзаро биродар бўлинглар.
Абу Хурайра (розияллоҳу анху) дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Узр айтиладиган ишлардан четланганлар.
Дайлабий ривояти.

Тамадан йироқ бўлинглар, чунки у камбағалликнинг нақд ўзгасидир.
Табароний ривояти.

Ҳаё фақат яхшилик олиб келади.
Муслим ривояти.

Қасам уни ичувчининг ниятига қараб бўлади.
Муслим ривояти.

Ризқ ва эҳтиёжларингизни талаб қилишни эрталабдан бажаринганлар, чунки тонгда баракот ва муваффақият бордир.
Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анху)дан
Ибн Адий ривояти.

Овқатларингизни совутиб енглар, шунда баракот бўлади.
Ибн Адий ривояти.

Оталарингизга яхшилик қилинганлар, шунда болаларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади. Аёлларга қарайверманг, шунда сизларнинг аёлингизга ҳам қаралмайди. Кимга узр айтилса-ю, у ўша узрни қабул этмаса, қиёмат куни ҳавзага тушмайди.
Жобир (розияллоҳу анху)дан
Ҳоким ривояти.

Ислоҳ беш нарса устига бино қилинган: "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ" калимаси, намозни қоим қилиш, закот бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутуш.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Бир киши йўлда кетаётган эди, ногаҳон йўл устида тиконли шохни кўриб, уни четга суриб қўйди. Аллоҳ унинг бу қилган ишидан рози бўлиб, гуноҳларини мағфират қилди.
Ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан
Бухорий ва Муслим ривояти.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Алишер НАВОЙЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбак ҳавас айлама.
Алишер НАВОЙЙ

Одам эрсанг ташиқ суратга берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.
Анбар ОТИН

Ватанни шод этиш учун кўп қайғу-ринг.
Дилшоҳи БАРНО

ВАТАН-МЕНИНГ ЖОНУ ТАНИМДИР

Ватан менинг жону таним, сажда-гоҳимдур.
ФИТРАТ

Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда бир ҳовуч Ватан тупроғини доим ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унуттирмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини,

халқини эслатган, узоқ ўлкаларда бўлса ҳам, уни ўз Ватанида ҳис қилдирган ва қаерда бўлмасин ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номусли ва содиқ ўғли бўлишга чақирган.
Ҳамид ОЛИМЖОН

"Инсоний фазилатлар ҳақида ҳикматли сўзлар"дан.
"Янги аср авлоди".
Тошкент-2019 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар

ОНА ЮРТИНГ—ОЛТИН БЕШИГИНГ


Мақолларимизда ўзбек халқининг она Ватанига бўлган чексиз муҳаббати, садоқати ўз ифодасини топган. Уларда Ватан—эл-юрт улуғланади, ҳар ким ўз элида эркин нафас олиши, иззат-ҳурматда яшаши, унга ҳамиша содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади. "Ҳар қуш ўз уясида эркин", "Онага бўлган муҳаббат—Ватанга бўлган муҳаббатнинг куртаги", "Эси бутун—элидан чиқмас",

"Ватанга фалокат—ўзинга ҳалокат", "Она-юртинг омон бўлса, ранги-руйинг сомон бўлмас". Бу билан Ватаннинг тинчлигини, дахлсизлигини, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, она тупроғини душман оёғи остида топтатмаслик, вайрон бўлишига йўл қўймаслик—олий бурч эканлиги уқтирилади.
"Ҳикматнома"дан.
Тошкент-1990 йил.

Ватан манзиллари



Кўхна шарқ дарғалари



ПАХЛАВОН МАҲМУД

Ҳаёти...
Маҳмуднинг галдаги Дехлига сафари ҳинд халқининг миллий байрамига тўғри келибди. Бундай айёмларда турли савдо расталари, халқ сайллари, ҳар хил томошалар, мусобақалар уюштирилган экан. Маҳмуднинг шаҳар четидagi саройлардан бирига тушганини эшитган султон уни эртанги курашда иштирок этиши ва ёш сарой полвони билан беллашишини сўраб одам юборибди. Маҳмуд ёш баҳодирнинг иззат-нафсига шикаст етказишни ўзига эп кўрмай бу илтифотни рад этибди. Уз марҳамати қабул қилинмаганини эшитган султон ғазаб отига минибди. Мулозимлар бу хабарни Маҳмудга етказиб, курашда иштирок этишини ўтиниб сўрабдилар. У розилик билдирибди. Одатда мусобақалардан олдин Маҳмуд мусофирлар мазори улуғларининг қадамжоларини зиёрат қилар экан. Уша кеча ҳам шаҳардаги қабристонни зиёрат қилиб юрса, бир аёл эрининг қабрини кучоқлаб: "Эй Худо,

икки болам ва эримни олдинг, эртанги кун майдонда ёлғиз ўғлимнинг кўлини баланд қилгин" деб нола чекаётган экан. Маҳмуд бу хотин султон саройидаги пахлавоннинг онаси эканлигини сезибди.

Эртаси кун кураш майдонидида Маҳмуд ўзини ғоятда заиф ва лапашанг қилиб кўрсатибди. Ёш баҳодир икки-уч даврдан кейиноқ Маҳмудни чирпирак қилиб кўтариб урибди. Султон бу ғалаба шарафига катта зиёфат берибди. Тантаналардан сўнг ҳоким бошчилигида аркони давлат, барча хизматкорлар, меҳмонлар филларга миниб, ўрмонга овга жўнашибди. Чангалзорлар орасидан кетаётганда беҳосдан султон тахтиравони ўрнатилган фил ботқоққа ботиб қолибди, кўп уринишибди, филни ботқоқдан чиқара олишмабди. Шунда Маҳмуд хизматкорларга филнинг олдинги оёқлари орасини қовлаб бўшатишни буюрибди. Шундай қилишибди. Бўшлиққа катта бир кундани ташлабдилар. Маҳмуд ана шу кунда устига тушиб, фил оёқлари орасига елкасини қўйиб, бир зўр билан икки оёғини ботқоқдан бўшатибди, фил ўзини унглаб ҳалокатдан қутулибди.

Ҳамма меҳмоннинг қудратига офаринлар айтибди. Овдан сўнг яна зиёфат бошланибди. Гап орасида султон Маҳмуддан:

—Кеча майдондаги заифлигингиз билан бугунги жасоратингизни қандай тушунса бўлади,—деб сўрабди.

—Эй, олийҳиммат султон! Бу йигит бир беванинг ягона фарзанди. Истиқболи порлоқ пахлавон, лекин ҳали тажрибасиз. Мен у билан олишиб, майиб қилиб, умрига зомин бўлишни истамадим. Аммо Сиз ғазабланганингиздан сўнг кураш тушишга розилик бергандим,—дебди у.

—Тиланг, тилагингизни, нима истасангиз муҳайё қилман,—дебди султон.

—Менга ҳеч нарса керак эмас, Сизнинг зиндонларингизда 200 дан ортиқ юртдошларим асир экан, ушаларни озод қилсангиз, ватанимга бирга олиб кетсам бас,—дебди Маҳмуд.

Султон баҳодирга от-улов, сарполар берибди ва асирларни ҳибсдан бўшатибди. Маҳмуд ватандошлари билан Хоразмга қараб йўл олибди.

Машҳур файласуф олим, инсонпарвар шоир Пахлавон Маҳмуд Пурёввалий 1247 йили Хива яқинида пўстиндўз оиласида дунёга келган. Кўхна Урганч ва Хива мадрасаларида таълим олди, турли билимларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланди,

миллий кураш қоидаларини ўрганди. Йигитлик палласидаёқ кураги ерга тегмаган баҳодир, нозик дидли шоир сифатида шўхрат қозонди. У Шарқнинг деярли барча мамлакатларида бўлиб, мусобақаларда қатнашди, фақат зафар қучди, тушган инъом-эҳсонларни, соврин, мукофотларни бева-бечораларга улашиб бериб, ўзи ота касби пўстиндўзлик билан кун кечирди. Пахлавон Маҳмуд 1325 йили она шаҳрида вафот этган. Ҳамшаҳарлари унинг қабри устида муҳташам макбара тикладилар. Ҳозир бу макбара давлат томонидан муҳофаза қилинади.

...Ҳикмати
Ҳамма дарддан кўра айрилик ёмон,
Ҳамма қайғудан ҳам ёмондир ҳижрон.

Ёмон билан улфат бўлма,
юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб, қўяди тузоқ.

Токи бор ғайрату мардликдан асар,
Аҳду аёлингизни этма дарбадар.

Қора тош сира ҳам бўлмас ложсувард,
Тоза қалбга асло юкмас чангу гард.
"Кўхна шарқ дарғалари"
китобидан.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти.
Тошкент-1999 йил.